

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 август куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари кун тартибидоғи долзарб масалалар кўриб чиқилди, минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш, хусусан, Ўзбекистон ва Россиянинг ҳудудлари ва тadbиркорлари даражасидаги устувор кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг етти ойида товар айирбошлаш 30 фоизга ошди. Айни пайтда савдо кўрсаткичларининг ўсиши юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш ҳисобига таъминланмоқда.

Худудлар ўртасида фаол ва самарали алмашинувлар амалга оширилмоқда, шу йилнинг кузига учинчи Ўзбекистон — Россия ҳудудлар форумини ўтказиш режа-

лаштирилган. Муҳим инвестицион лойиҳалар ва маданий-гуманитар дастурлар давом эттирилмоқда.

Сўхбатда Ўзбекистон ва Россия етакчилари, энг аввало, амалий шериклики аниқ, сифатли мазмун билан бойитиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттириш орқали мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлики янада кенгайтириш муҳимлигини қайд этдилар.

Шунингдек, бўлажак икки ва кўп томонлама тadbирлар режаси муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига алоҳида тўхтадилар.

Ўзбекистон Президенти ва Россия Президентининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек конструктив, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.а.

Халқро анжуман

ШХТ II иқтисодий форуми иш бошлади

Пойтахтимизда ташкилотнинг иқтисодий форуми ва саноат-инновацион ярмаркаси очилди.

Форум иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Азиз Воитов ҳамда ШХТ Бош котибининг ўринбосари Ерик Ашимов табрик сўзлари билан мурожаат қилди. Икки кун давомида иштирокчилар ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сармоиявий, маданий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларини муҳокамадан ўтказди, ШХТ маконидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича амалий чора-тadbирларни ишлаб чиқди.

Иқтисодий форум ва саноат-инновацион ярмарка мамлакатимиз томонидан сўнгги бир неча йил ичида олиб борилган ва бу йил Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида фаоллашган кўп қиррали ташқи иқтисодий сиёсатнинг мантиқий давомидир. Таъкидлаш жоизки, бундай форматдаги форумни Тошкентда ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ШХТнинг 2020 йилда Москвада бўлиб ўтган саммитида илгари сурилган эди.

Форумнинг асосий вазифалари савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларини, шунингдек, ШХТ маконида иқтисодий ривожланиш ва амалий ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш, иштирокчи давлатларнинг инвестициявий салоҳиятини намойиш этиш, барқарор ривожланишнинг таъминлаш ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ошириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Форумда давлат органлари раҳбарлари, ташқи иқтисодий фаолиятга масъул вазирликлар, шунингдек, ШХТ давлатларининг халқаро ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда. Унинг дастури ялғи мажлис ва “ШХТ доирасида истиқболли инвестициявий лойиҳалар”, “Халқаро кооперация хусусиятлари ва савдо-иқтисодий алоқаларни тиклаш”, “Рақамлаштириш даврида савдо-иқтисодий ҳамкорлик”, “ШХТ маконида “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш” мавзуларидаги тўртта панель муҳокамалардан иборат.

Бундан ташқари, ШХТ саноат-инновацион ярмаркаси ўтказилаётир. Унинг мақсади — ташкилотга аъзо мамлакатларининг инновацион ғоялари, технологиялари ва лойиҳаларини тижоратлаштириш учун шароит яратишдир.

ШХТ иқтисодий форуми нафақат ҳукуматлараро мулоқотни йўлга қўйиш, балки ишбилармон доиралар ва корхоналар вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек, ШХТ маконидаги худудларга инвесторларни жалб қилиш учун самарали майдонга айланиш имконини беради.

«Халқ сўзи».



Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ахборот агентликлари уюшмаси Президенти Шавкат Мирзиёев Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 17-18 август кунлари Саудия Арабистонида давлат ташрифи билан бўлишини маълум қилган.

Жидда шаҳрига ташриф чоғида олий дара-

жадаги музокаралар ўтказилади, икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, “яшил иқтисодиёт”, юқори технологиялар ва рақамлаштириш, инновация, кичик бизнес ва тadbиркорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади, деб таъкидланган материалда.

Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатлар оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Подшоҳликка давлат ташрифи ҳақида тезкор материаллар тарқатмоқда.

ТОШКЕНТ ВА АР-РИЁД Янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр

Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ахборот агентликлари уюшмаси Президенти Шавкат Мирзиёев Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 17-18 август кунлари Саудия Арабистонида давлат ташрифи билан бўлишини маълум қилган.

Жидда шаҳрига ташриф чоғида олий дара-

жадаги музокаралар ўтказилади, икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, “яшил иқтисодиёт”, юқори технологиялар ва рақамлаштириш, инновация, кичик бизнес ва тadbиркорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади, деб таъкидланган материалда.

“Index Economic” араб медиа-портали сайтида эълон қилинган мақолада Саудия Арабистони ва Ўзбекистон энергетика, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, биотехнологиялар, қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил са-

ноат, кимё ва нефть-кимё саноати, туризм, маданият, спорт, фан, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа истиқболли соҳаларда янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилишга тайёр экани қайд этилган.

Эксклюзив интервью

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонида давлат ташрифи муносабати билан ушбу мамлакатнинг Тошкентдаги элчиси Юсуф бин Солиҳ ал-Гаҳра ал-Утайбий “Дунё” ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб берди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонида давлат ташрифи арафасида “Дунё” ахборот агентлиги мухбири Ўзбекистон элчиси ва мамлакатимизнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотидаги доимий вакили Улуғбек Мақсудов билан Ўзбекистон — Саудия Арабистони ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан сўхбатлашди.

Усуф бин Солиҳ ал-Гаҳра ал-УТАЙБИЙ:

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА САУДИЯ АРАБИСТОНИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТАДИ

— Сўхбатимиз аввалида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва унинг истикболлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Саудия — Ўзбекистон алоқалари ке-йинги йилларда бир қатор соҳаларда сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Юқори мартабали масъуллар ўртасида ўзаро ташрифлар билан алмашувлар ҳамкорлик даражаси ва алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда фаоллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Бундай ташрифлар орасида Саудия Арабистони Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фархан Ҳазра-

ти Олийларининг 2021 йил июнда Ўзбекистонга ташрифи, Президент Жаноби Олийлари ва юқори мартабали масъуллар билан учрашувлари алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, инвестиция вазири Халид ал-Фалих Жаноби Олийлари 2021 йилнинг бошларида ва 2022 йилда биринчи инвестиция форумида иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюриб, Президент Жаноби Олийлари ва юқори мартабали масъуллар билан учрашувлар ўтказди. 2021 йилнинг июнида Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслахатлашувларнинг 4-давраси бўлиб ўтди.

Сенатор ва ҳаёт

ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Аввал хабар берганимиздек, айни кунларда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси Борий Алихонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистонда бўлиб, тегишли ҳужжатлар ижросини ўрганмоқда ва ислохотлар боришини кўздан кечирмоқда.

Куни кеча Мўйноқда туман масъуллари ва фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ана шу ўрганишлар натижалари чуқур таҳлил қилинди.

Унда жамият тараққиёти ва мамлакат ривожини учун қонун устуворлигини кафолатлаш, ҳар қандай вазиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорлиқни сақ-

лаб қолиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳамда эшларнинг таълим-тарбиясига янада жиддий эътибор қаратиш муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўз навбатида, йиғилишда Президентнинг 2021 йил 23 ноябрдаги Фармонида белгиланган вазифалар ҳамда Сенат Кенга-шининг 2021 йил 9 декабр-

даги қарори ижроси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Мўйноқ туманида ҳозирда жами 611 та кичик бизнес субъекти мавжуд. Улардан маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тadbиркорлик субъектларига 9 млрд. сўмлик солиқ имтиёзлари қўлланилиб, ишбилармонлар ихтиёрида қолдирилган.

Бундай ижобий ишлар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан ҳам амалга оширилган. Яъни кичик тadbиркорлик субъектларининг корхона қурилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва техникалар республиканинг бошқа худудларидан олиб келиш, улар то-

монидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни юртимизнинг бошқа жойига етказиб бериш билан боғлиқ темир йўл транс-порти харажатиининг 50 фоизи қоплаб берилган. Аниқ айтадиган бўлсак, 13 та корхона-нинг 1,2 млрд. сўмлик транс-порт харажатлари қопланган.

Маҳаллий экспортчилар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда ҳам бу анъана давом этаётгани эътиборга молик. 26 та корхонанинг транспорт харажатларини тўлиқ қоплаш мақсадига 27,9 млрд. сўм маб-лағ худудий солиқ бошқармаси томонидан уларга қайтариб берилган.

«Имом Бухорий» ордени таъсис этилиши барчамизга янғича рағбат беради

Маълумки, кейинги йилларда юртимизда шу муқаддас заминда яшаб ижод этган, илм-фан ва маданият ҳамда ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш, уларни халқро майдонда кенг тарғиб қилишга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бунга мисол сифатида Самарқандда Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот маркази очилгани ҳамда Шерободадаги Абу Исо Муҳаммад Термизий ва Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳлари ҳамда бошқа қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилганлигини келтириш мумкин.

Фикр

15 августда Президентимиз томонидан имзоланган “Имом Бухорий” ордени таъсис этиш тўғрисида”ги Қонун ушбу эзгу сазй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда бу йўналишда мамлакатимизда салмоқли ишлар рўёбга чиқарилди. Шу маънода, юртимиздаги илм-фан ва маданият,

жумладан, ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ҳамда мутафаккирлар ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ҳамда халқро майдонда тарғиб қилишда катта ютуққа эришган олим ва тадқиқотчиларни рағбатлантириш, таъбир жоиз бўлса, тақдирлашни йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо этаётганди. Шу сабабли ҳам Олий Мажлис Сенатининг ўттиз биринчи ялпи мажлисида ушбу қонун бир овоздан маъқулланди.

Ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк боқолонимиз Имом Бухорий илмий мероси барчамиз учун ибрат ва намуна мактабидир. У ўз ҳаёти давомида машаққатли илм йўлини босиб, инсоният тарихида чуқур из қолдирди. Олим томонидан яратилган ишончли хадислар тўплами ислом оламида муқаддас Қуръони каримдан кейинги манбадир. Буюк бобомизнинг тадқиқот услублари ҳаллолик ва поклик рамзи бўлиб, ўзидан кейинги барча илм ахли учун бебаҳо маёк сифатида хизмат қилмоқда.

Имом Бухорийдек мўътабар инсонни дунёга келтирган ва тарбиялаган она зоти нақадар улуғлигини у кишининг волидаси тимсолида қўришимиз мумкин. Аллома ўз китобини тугатиб, онасидан дуо қилишни сўрайди. Она эса “Илоҳим, бу асар қўматгача бардавом бўлсин!” деб дуо қилади...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАР БИР МАСАЛАГА ТАНҚИДИЙ ЁНДАШИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги ҳуқуқий негизни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Фаргона вилоятининг айрим туманлари ва шаҳарлари худуди чегаралари ўзгармоқда

Мажлисида “Фаргона вилоятининг Ўзбекистон, Уқўприк, Данғара, Фарғона, Тошлоқ, Қўштепа туманлари, Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарлари худуди чегараларини ўзгартириш тўғрисида”ги Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муҳокамаси қизгин кечди.

Мазкур ҳужжатда худудларнинг яхлитлиги, маъмурий-худудий бирликларидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги ҳамда маъмурий-худудий бирликларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши асосий тамойиллардан бири ҳисобланиши белгиланмоқда.

Лойиҳа масъул кўмитага нега қайтарилди?

Халқ вакиллари “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар қўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишди.

Ушбу ҳужжатда маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқий бузилган фуқаро ёки тadbиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этиши белгилангати.

ТОШКЕНТ ВА АР-РИЁД ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁР

➡ Озарбайжоннинг “AZERTAG” давлат ахборот агентлиги 2021 йил июль ойида Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фархан Ол Сауд икки томонлама муносабатларни фаоллаштириш доирасида Ўзбекистонга ташриф буюргани

Юсуф бин Солиҳ ал-Гаҳра ал-УТАЙБИЙ:

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА САУДИЯ АРАБИСТОНИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТАДИ

➡ Бундан ташқари, икки томонлама алоқалар доирасида Саудия Арабистони — Ўзбекистон ҳукуматларора қўшма комиссияси йигилишларининг бир неча давларлари, Ишбилармонлар кенгаши йигилишлари ва ишбилармонлар форумлари ташкил қилинди. Мазкур анжуманлар ҳамкорлик даражасини юксалтириш ва савдо айирбошлаш ҳақмларини оширишга хизмат қилишига аминмиз.

Хусусан, савдо айирбошлаш ҳақми салоҳиятларимиз даражасига ҳали тўла мос келмайди. Унинг кўрсаткичлари бундан буюр сезиларли даражада ошишига умид қиламиз.

— Қайси соҳаларда фаол ҳамкорлик мавжуд? Ҳозирги пайтда қандай лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда ва бу борада келгусидаги режалар қандайлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Саудия Арабистонининг қатор компаниялари Ўзбекистонда бир қанча йўналишлар, жумладан, энергетика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги, таълим, инвестиция ва бошқа соҳаларда сармоя киритишга қизиқиб билдирди. Шу боис айрим соҳаларда қатор битимлар ва англашув меморандумлари имзоланди.

Хусусан, “ACWA Power” компанияси Ўзбекистонга тахминан 2,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритмоқда. Шунингдек, келгусида Ўзбекистон билан яна 2 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги лойиҳаларни амалга ошириш асосида ўзаро ҳамкорлигимиз кўламини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

— Маълумки, ислом мероси нуктаи назаридан Саудия Арабистони ҳам, Ўзбекистон ҳам дунёда довруқ таратган. Шу ҳақдаги фикрларингизни ҳам билишни истар эдик.

— Шубҳа йўқки, ислом мероси мамлакатларимизда катта аҳамият касб этади. Ўзаро муштаракликлар алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Подшоҳлик ҳам, Ўзбекистон

ҳам ислом тарихидаги улкан ҳиссалари билан ажралиб туради. Ўзбекистонда ислом тарихида муҳим ўрин тутган шаҳрлар жойлашган. Имом Бухорий, Хоразмий, Беруний, Имом Термизий каби буюк олимлар ислом ва дунёвий илм-фан ривожига катта таъсир кўрсатган. Ўзбекистонда кўп тарихий масканлар жойлашган, янги илм-фан ўчоқлари бунёд этилмоқда. Улар орасида Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси, пойтахтининг Ўзбекистондаги Ислm цивилизацияси маркази, Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасаси ва бошқа муҳим қадимжолар бор.

Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга Саудия Арабистони Подшоҳлиги алоҳида аҳамият беради.

Ҳозирги пайтда туризм соҳасида алоқаларимиз тобора раванқ топмоқда. Бу тармоқ ҳар икки мамлакат учун катта аҳамият касб этади.

2020 йилга қадар ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган Саудия Арабистони ёдгорликлари сони 5 тага етди. Бу эса бутунжаҳон тарихий меросини сақлашга қаратилган муҳим қадам ҳисобланади.

— Бу йил ўзбек халқи Ўзбекистон Республикаси 31 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан ўзбек халқига қандай тўлақон билдиришни истар эдингиз?

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари, Ўзбекистон ҳукумати ва қардош ўзбек халқига энг самимий табриқларим ва эзгу тиллақларимни йўллар эканман, бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилайман. Ўзбекистонни осийишталик ва барқарорлик неъмاتي сира тарк этмасин.

Шунингдек, бу йил Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 30 йил тўлгани муносабати билан барча соҳаларда ўзаро муносабатларни биргаликда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истиғминизда собит эканлигимизни таъкидлашни истар эдим.

ҳақида ёзган. Саудия Арабистони ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Муаммолар ва имкониятлар” халқаро конференциясида иштирок этганига эътибор қаратилган.

➡ Тошкент ва Ар-Риёд мунтазам равишда икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказмоқда. Сиёсий маслаҳатлашувларнинг тўртинчи давраси 2021 йил июнь ойида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда видео-конференция тарзида бўлиб ўтди. Ҳозир сиёсий маслаҳатлашувларнинг 5-даврасини ўтказиш мuddатлари ва мазмуни устида иш олиб бoрилмоқда.

Кўйидаги далиллар ҳам икки томонлама муносабатлар фаоллашиб бoраётганини тасдиқлайди.

2021 йил июль ойида Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Файсал бин Фархан расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Шунингдек, у Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича халқаро конференцияда ҳам иштирок этди. Ўзбекистон Президенти саудиялик меҳмонни қабул қилиб, у билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама алоқалар жадал ривожлантаётгани — мулоқотлар фаоллашаётгани ва йирик инвестиция лойиҳалари, биринчи навбатда, энергетика соҳасида илгари суриляётганини мамнуният билан қайд этди. Ўз навбатида, Саудия Арабистони вазири Подшоҳлик Ўзбекистон Президентининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлашга қаратилган ўз вақтидаги ва муҳим халқаро ташаббусларини, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга кўрсатилган қўшма юксак қадрлашни ва қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида томонларнинг нуктаи назарлари ва номзодларини ўзаро қўллаб-қувватламоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ИХТ, шунингдек, унинг ихтисослаштирилган ва ёрдамчи муассасалари, хусусан, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислom ташкилоти (ICESCO), Ислom ҳамкорлик ташкилотининг Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича доимий қўмитаси (COMSTECН), Ислom ҳамкорлик ташкилоти Ислom савдонинг ривожлантириш маркази (ICDT), Ислom тараққиёт банки (IsDB), Ислom мамлакатлари учун статистика, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ҳамда тренинглар маркази (SESRIС), шунингдек, Ислom мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти (SMIIC) доирасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини қайд этишни истар эдим.

2021 йил 19 декабрь кўни Ўзбекистон делегацияси Исломободда бўлиб ўтган ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Афғонистон бўйича навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.

2022 йил 22-23 март кўнлари Ислomободдаги парламент биносида Ислom ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 48-сессияси бўлиб ўтди ва унда мамлакатимизнинг юқори даражадаги делегацияси ҳам қатнашди. Сессия чоғида Ўзбекистон ташаббускорлигидаги қатор резолюциялар, хусусан, “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисида”, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференцияси тўғрисидаги тақлиф ва ташаббуслари маълумлиги ҳамда қабул қилинди.

Жорий йилнинг июль ойида ташқи

Улуғбек МАҚСУДОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ КЎП ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА

ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиков бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Подшоҳликка ташриф буюрди. Саудия Арабистони парламентида, Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек, Форс кўрфазидagi араб давлатлари ҳамкорлик кенгашида самарали музокара ва учрашувлар бўлиб ўтди.

Делегациямиз Жидда шаҳрида Ислom ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби билан учрашув ўтказди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси ва Ислom ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги муносабатларни Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган конституциявий ислохотлар асосида кенгайтириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон томони Ислom ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаол ташаббусларни илгари суришда, унинг ихтисослаштирилган ва ёрдамчи муассасаси

“Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги шарафига пойтахт шаҳарлар — Тошкент ва Ар-Риёдда ҳар икки мамлакат маданияти ва санъати ҳафталиклари доирасида қатор тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

лари билан яқиндан ҳамкорлик қилишда давом этади.

Дипломатик ваколатхоналар — Саудия Арабистонининг Тошкентдаги, Ўзбекистоннинг Ар-Риёддаги элчихоналари ҳамда Жиддадаги Бош консулхонамиз орқали томонлар ўртасида доимий мулоқот ва алоқалар йўлга қўйилган.

Биз икки томонлама ҳамкорлиқнинг ўзаро савдо ҳажмини ошириш, сармоявий шериклиқни кенгайтириш, иқтисодий, маданий-гуманитар лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, илмий-таълимий алмашинувлар ва бошқа алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда фаоллаштириш каби устувор йўналишларига жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Яна шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, 2022 йил икки томонлама муносабатларда муҳим йил ҳисобланади. Бундан роппа-роса 30 йил аввал Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган эди. Ушбу юбилей санаси шарафига Тошкент ва Ар-Риёд икки мамлакат пойтахтлари ва минтақаларида қатор муҳим сиёсий ва маданий тадбирларни ўтказиш ниятида.

— Ўзбекистон иқтисодий дипломатияга катта эътибор бермокда. Саудия Арабистони билан иқтисодий ҳамкорлик қайси со-

ҳияларда, айниқса, жадал ривожланмоқда?

— Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ришталар муваффақиятли ривож топмоқда. Тўғри, кўрсаткичлар жуда камтар, аммо Ўзбекистон коронавирус пандемияси туғайли Подшоҳлиқнинг деярли бир ярим йиллик изоляциясининг салбий оқибатларини жадаллик билан бартараф этмоқда, чунки мазкур мамлакатда барча ҳаво, денгиз ва куруқлик йўллари ёпилган эди, нафақат халқаро ҳаво қатновлари, балки ички рейслар ҳам тўхтатилганди.

Шу билан бирга, юқоридagi кўрсаткичлар ушбу йўналишдаги ҳамкорлиқни фаоллаштириш учун катта имкониятлар мавжудлигини далилат беради. Мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга. Икки томон ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий фаолиятни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдордир.

Сўнгги беш йил ичида Ўзбекистонда Саудия капитални иштирокидаги корхоналар сони 38 тага етиб, 4,2 баробар ошди.

Шу ўринда иқтисодий йўналишдаги делегациялар алмашуви фаоллашганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Инвестиция вазири Ҳолид Ал-Фалih бошчилигидаги Саудия Арабистонининг нуфузли делегацияси жорий йил апрель ойида бўлиб ўтган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этди. Ташриф доирасида Тошкентда Ўзбекистон — Саудия Арабистони ҳукуматлари комиссиясининг, шунингдек, Ишбилармонлар кенгашининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокда бизнес форуми ҳам ўтказилди. Қўёнорлиси, бу тадбирлар мунтазамлик касб этди.

Ўзбекистон ҳам, Саудия Арабистони ҳам энергетика, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, электроника, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, биотехнология, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, кимё ва нефть-кимё sanoати, туризм, маданият ва спорт, фан ва таълим, атроф-муҳит муҳофазаси, экология каби истиқболли со-

ҳияларда янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ишбилармон доираларни бир-бирига яқинлаштириш ва ўзаро амалий ёрдам кўрсатиш учун биргаликда ишлашга тайёр.

Элчихонанинг сайё-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Энергетика вазирлиги ва Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган. Ушбу компания билан энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва йирик инвестиция лойиҳалари жадал суръатда илгари суриляётганини қайд этиш лозим. “ACWA Power”нинг Ўзбекистон ҳудудларида энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва “яшил энергия”ни ривожлантиришга қўйган ҳиссаси 2,6 миллиард доллари ташкил этади.

Айни пайтда томонлар икки мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилли сифатида фан ва техника соҳасида икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш имкониятларини ўрганмоқда. Тошкент технопарки ҳамда Подшоҳ Абдулазиз номидаги фан ва технологиялар маркази ўртасида уларнинг фаолиятлари билан танишиш мақсадида ушбу муассасасар делегацияларининг ўзаро ташрифлари ташкил этиш ва ҳамкорлиқнинг аниқ-равшан йўналишларини аниқлаш йўли билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш ҳусусида келишув мавжуд.

Саудия тараққиёт жағфармаси томонидан Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилишига муҳим молиявий қўлma тақдим этилмоқда.

— Ўзбекистон ва Саудия Арабистони чуқур тарихий ва маданий-гуманитар соҳада икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини қандай кўрасиз?

— Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги шарафига пойтахт шаҳарлар — Тошкент ва Ар-Риёдда ҳар икки мамлакат доирасида ва санъати ҳафталиклари мадонида қатор тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Айни пайтда Ўзбекистондаги Ислom цивилизациясини маркази ва Саудия Арабистонининг Подшоҳ Файсал номидаги Ислom тадқиқотлари маркази ўзаро таҳрирчи бўлиш, қўшма илмий тадқиқот дастурларини ўтказиш ва нодир қўлёзликларни ўрганиш мақсадида ўзаро ташрифлари ташкил этиш бўйича қўшма лойиҳаларни муҳокама қилимоқда.

Мадинадаги Ислom университети Ўзбекистон университетлари билан ўзбек талабалари учун таълим грантлари ажратиш, араб тилини ўқитиш учун махсус курслар очиш, ўқув дастурлари тайёрлаш, ўзбек араб тилини ўқитувчилари малакасини ошириш, араб таттоқлиги бўйича гуруҳ тузиш ва махсус курслар ташкил этиш, фикр, ақида, ҳадис-шунослик, тафсир ва бошқа соҳаларга

оид илмий тадқиқотлар олиб бoриш каби йўналишларда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Тошкент давлат шарқшунослик университети билан Саудия Арабистони Илмий-тадқиқот ва билим алмашуви маркази ўртасида самарали шериклик йўлга қўйилган бўлиб, ушбу марказ университет кутубхонаси учун тарих, фалсафа, адабиёт бўйича қўллаб-қўлтиблар, шунингдек, араб тилини ўрганаётган талабалар учун лугатларни тақдим этган.

Шуни таъкидлашни истардимки, 2019 йилда элчихона шайх Самир Нажжор номидаги хайрия жағфармаси билан алоқа ўрнатган эди. Шу йилнинг октябр ойида Фарғона вилояти кўп тармокли шифохонасида 110 та юрак операцияси бeпyл асосда амалга оширилган ҳамкорлигимизнинг самараси бўлди. Афсуски, коронавирус пандемияси келажакдаги режаларимиз ва келишувларимизга ўз таътишларини киритди. Бироқ энди мамлакатларимизда коронавирус билан боғлиқ вазият нисбатан барқарорлашгани боис биз ушбу йўналишдаги ҳамкорлиқни давом эттирамиз.

Саудия Арабистони ислом динининг бош муқаддас қадимжолари — Маккадаги “Ал-Ҳарам” масжиди ва Мадинадаги Мухаммад пайғамбар (С.А.В.)нинг “Масжид ан-Набавий” масжиди жойлашган ноёб мамлакат, ислом маркази ҳисобланади. Шу боис Подшоҳлик дунё мусулмонлари, жумладан, Саудия Арабистонига Ҳаж ва Умра зияратини амалга ошираётган Ўзбеклар ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ар-Риёддаги элчихона ва Жиддадаги Бош консулхона Саудия Арабистонининг Ҳаж ва Умра ишлари вазирлиги билан доимий алоқада. Дипломатик ваколатхоналар зияратчиларининг Подшоҳликка келиши ва маросимларни бажариш билан боғлиқ жараёнларни ташкил этишга қўлmaқлашди.

Бу йил 12 минг нафардан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари Ҳаж амалини ва 32 минг нафардан зиёд юртдошларимиз Умра амалларини бажарди.

Давроке, Саудия Арабистони БМТ Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЮНВТО) 25-сессиясини 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш қарорини қўллаб-қувватлаган давлатлардан биридир.

2022 йил 27-29 июнь кўнлари Бокуда бўлиб ўтган Ислom ҳамкорлик ташкилоти туризм вазирларининг 11-анжумани доирасида Саудия Арабистони Хива шаҳрининг 2024 йил “Ислom дунёсининг туризм пойтахти”, деб эълон қилиниши тўғрисидаги резолюцияни ҳам қўллаб-қувватлади.

Хулоса ўринда сизни ишонтириб айтманки, биз давлатимиз раҳбари томонидан яқин ва узoқ истиқболга белгиланган вазифаларни амалга оширишга ўз босқичини қўшишга тайёрмиз.

«Дунё» АА.

Ҳамкорлиқнинг институционал асослари

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни сезиларли даражада кенгайтириш учун ўзаро асосда қучли маркетинг сийсатини амалга ошириш, sanoat махсулотларининг миллий кўргазма ва ярмаркаларини ташкил этиш, кўргазма залларини очиш, компанияларнинг фаол иштирокини таъминлаш бугунги куннинг зарур ва долзарб вазифалари қаторидан ўрин олмақда.

Иқкала мамлакат ўртасида кўп томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва Саудия Арабистонида савдо уйлари ташкил этиш, бевосита бизнес форумларини ўтказиш бўйича фаол сайё-ҳаракатлари амалга ошириш зарур. Янгича форматдаги кўргазма ва ярмаркаларда ишбилармон доиралар вакилларининг иштирокини таъминлаш, лoгистика шароитларини яратиш мавзусида ўзаро муҳокамалар уюштириш ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Саудия Арабистони ва Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда “ақл марказлари” ўртасидаги бевосита ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг иштироки тегишли давлат органлари ва ишбилармон доираларни иқтисодиётларнинг салoҳияти ҳамда рақобат афзалликлари, мавжуд савдо режими ва инвестиция муҳити, Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳақида хабардор қилиш имконини беради.

Ўзбекистон раҳбарининг Саудия Арабистонига амалга ошираётган давлат ташрифи ҳар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициялар, молиявий ва маданий-маърифий соҳаларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш эвазига ўзаро ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Шарофиддин НАЗАРОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР

халқаро миқёсда эътироф этилмоқда

Ўзбекистонда олиб бoриляётган кенг қамровли ислохотлар халқаро муносабатларга ҳам ўзининг ижобий таъсириин ўтказди. Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида янгича қиёфада эътироф этила бошлади. Узoқ ва яқин давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик борасида ижобий жараёнлар тезлашмоқда. Унинг самараси ўларoқ, Марказий Осиё мамлакатлари билан қўни-қўшничиликда тўпланиб қолган муаммолар ўз ечимини топди. Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистоннинг, қолаверса, бутун Марказий Осиё давлатларининг мавжуд иқтисодий ва маданий-тарихий салoҳиятини юзага чиқариш борасидаги сайё-ҳаракатлари натижасида минтақада дунё ҳамжамияти билан иқтисодий ва

маданий ҳамкорлиқни янги сифат даражасига олиб чиқиш учун қулай муҳит шаклланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига амалга ошираётган давлат ташрифини халқаро муносабатларни янада жадаллаштириш борасидаги мана шундай сайё-ҳаракатларнинг намуналик давомли сифатида эътироф этилишиимиз мумкин. Ташриф доирасида муҳокама қилиниши қўлaляётган долзарб масалалар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, молия ва маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқишга кенг имкониятлар эшигини очади.



бўлган эҳтиёжнинг қиёсий таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, бу давлатга катта ҳажмдаги мис, органик сазбавот ва мевалар, ёнғoқ, ичмичлик суви, қийим-кечак, калава ип, тўқимачилик матолари, енгил автомобиллар, пойабзал ва бошқа махсулотларни етказиб беришни қўлaйтиришга зарурат мавжуд.

Юқоридa келтирилган товарлардан экспорт ўсишининг ижобий динамикаси ҳозирча фақат мис, сазбавот ва мевалар бўйича кузатилмақда. Бошқа товарларни Саудия Арабистони бозорига етказиб беришда эса эпизодик ҳолатлар мавжуд.

Бундан хулоса шукки, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун Ўзбекистон ва Саудия ўртасида товар етказиб бериш ва хизматларни қўлaйтириш имкониятларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Шу муносабат билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш, давлат ва ишбилармон доиралар, бoжxона хизматлари, импорт товарларини стандартлаштириш ва назорат қилиш бўйича идоравий эксперт гуруҳларининг ишини ташкил этиш мақсада мувофиқдир. Қолаверса, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш мақсадида компаниялар, фирмалар ва махсус савдо агентлари томонидан иқтала давлат ҳудудида тўғридан-тўғри маркетинг масалаларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш-

Биз билган ва билмаган ўлка

Саудия Арабистони географик жиҳатдан Арабистон яриморлинининг стратегик муҳим қисмида жойлашган бўлиб, бу мамлакатда дунёнинг қўллаб-даватлари, жумладан, Марказий Осиё давлатлари билан савдо ва ҳамкорлиқни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратди.

Саудия дунёсидаги энг йирик ва халқаро бозорларда рақобатбардош иқтисодиёт бўлиб, юқори турмуш даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эга, шунингдек, Нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (OPEC, The Organization of the Petroleum Exporting)да асосий роль ўйнайди.

Мамлакат иқтисодий ўсишининг барқарорлиги кўп жиҳатдан глобал талаб ва нефтининг жаҳон нархлари ўзгаришига боғлиқ бўлишига қарамай, дунё мамлакатлари рейтингидa экспорт бўйича 22-ўрин ва товарлар импорти борасида 29-ўринини эгаллайди.

Саудия Арабистонининг асосий савдо ҳамкорлари Япония, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, АҚШ, БАА, Сингапур, Германия ва бошқалар ҳисобланади.

Ушбу мамлакат глобал экспортчилар учун катта истеъмол бозори бўлиб қолмоқда. Бу ўлкага, асосан, Хитой, АҚШ, БАА, Германия, Япония, шунингдек, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва Буюк Британиядан махсулотлар етқа-

ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Тадбирда шу каби ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар борлиги ҳам айтиб ўтилди.

Йигилишда шу сингари салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Олий Мажлис Сенати томонидан тегишли чоралар қўрилаётганига ҳам уруғ берилди. Хусусан, парламент юқори палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида юқорида номи келтириб ўтилган қарорда белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлашга тўққинлик қилаётган омиларни бартараф этиш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича қўрилаётган чоралар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида қарор қабул қилингани таъкидланди.

Ишчи гуруҳ аъзолари шу куннинг ўзида Қўнғирот тумани ҳокимлигида масъуллар ва фаоллар иштирокида йигилиш ўтказди.

Унда сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда Сенатнинг йигирма тўққинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Айни чоғда ишчи гуруҳ аъзолари масъуллар иштирокида тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олди.

«Халқ сўзи».

Ташаббус

«ГЕНДЕР АДОЛАТ ЛИДЕРЛАРИ»:

КУЧ-ҒАЙРАТНИ ЭЛ-ЮРТГА БАХШ ЭТИШ – БАХТ

Ташкил этилганига кўп вақт бўлмаган Олий Мажлис Сенати қошидаги «Гендер адолат лидерлари» жамоаси аъзолари жамият ҳаётига жадал кириб бориб, янги-янги ташаббусларга кўл ураётир, қатор эзгу тадбирларга бош-қош бўлишмоқда.

Хусусан, жамоа вакиллари томонидан меҳр-эътиборга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинмоқда, яна қатор тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинаётир.

Куни кеча мазкур тузилманинг сирдарёлик аъзоси Дурдона Давронова Сайхунбод тумани фаоллари билан биргаликда кўмакка муҳтож аёлларга уй-рўзғор буюмлари, телевизор, кир ювиш машиниси ва бошқа қўлимтаҳо совғалар улашди.

Андихонда кўтаринки руҳда ўтган китоб тарғиботи ушбу жамоанинг барча бир аъзоси Толибжон Мирзажонов томонидан юқори савидада ташкил этилди. Тадбир йигит-қизларнинг китобга бўлган меҳрини оширишга йўналтирилгани билан кўпчиликда илқ таассурот қолдирди.

Айни чоғда андижонлик лидерлар томонидан ўтказилган хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва бу борада олиб борилаётган ислохотларга бағишланган семинар мазмун-моҳиятига кўра долзарблиги билан алоҳида ажралиб турди.

Жамоанинг қашқадарёлик аъзоси Гулноза Ибодуллоева Шахрисабзда «Мурувват» аёллар интернатида концерт дастури уюштирган бўлса, тузилманинг яна бир вакили Асила Абдурахмонова томонидан хотин-қизлар ўртасида заковат турнири уюштирилди.

«Гендер адолат лидерлари» жамоасининг Тошкент шаҳри аъзолари эса имконияти чекланган, эҳтиёжманд аёллар ҳолидан хабар олди.

Умуман олганда, мазкур янги тузилма халқ орасига чуқур кириб бориш учун астойдил интиломоқда.

«Халқ сўзи».

ҲАР БИР МАСАЛАГА ТАНҚИДИЙ ЁНДАШИЛДИ



борлиги айtilди. Билдирилган фикрлар инobatга олинган ҳолда қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди.

Ўсимликлар ҳимояси соҳасида янги тартиб

Мажлисида «Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди. Лойиҳада ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солиш, ушбу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорати, давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ

ҳамда мажбуриятлари белгиланаётир.

Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари, кимёвий моддалар, биологик воситалар ҳамда материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, йўқ қилиб юбориш, ташиш ва кўмиб ташлашга доир талабларни киритиш назарда тутиляпти.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини мамлакатимиз ҳудудиغا олиб киришдан бошлаб, уларни муомаладан чиқаришгача бўлган барча жараёни ҳисобга олиш ва мониторинг олиб боришни таъминлайди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Вазирнинг ахбороти эшитилди

Мажлисида халқ таълими вазири Б. Саидовнинг «Умумий ўрта таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини сифатли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Тадким этилган ахборотда келтирилганидек, 2022/2023 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-синфига 707 минг 146 нафар ўқувчини қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, шу йил 11 август ҳолатига 649 минг 817 нафар ўқувчи қабул қилинган.

Жорий йилда халқ таълими тизимида давлат дастурлари асосида 788 та, «Очиқ бюджет» платформаси орқали 873 та умумтаълим мактабиди қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, умумий ўрта таълим муассасидаги ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари расмий веб-сайт ҳамда «my.maktab.uz» ахборот тизимида жойлаштирилди. Умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Мажлисида умумий ўрта таълим муассасаларининг 2022/2023 ўқув йилига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, уларни янги авлод дарсликлари ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш ишларини якунига етказиш бўйича тақлифлар берилди. Умумий ўрта таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини сифатли ташкил этиш борасидаги ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга келишиб олинди.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисида Б. Саидовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙМИ?

Янги ўқув йилига ҳам санокли кунлар қолди. Ҳадемай умумтаълим мактабларида дарс жараёнлари бошланади. Ҳўш, Халқ таълими вазирлиги томонидан 2022/2023 ўқув йилига қандай тайёргарлик қўрилмоқда? Таълим муассасаларида малакали ўқитувчилар, зарур дарслик китоблари етарлими? Ўқувчиларни синф хоналари ва бошқа зарурий ашёлар билан таъминлаш қандай ҳал этилмоқда?



Парламент қўйи палатаси мажлисида халқ таълими вазири Б. Саидовнинг «Умумий ўрта таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини сифатли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахборотини эшитиш жараёнида шу саволлар ўртага ташланиб, уларга жавоб изланди.

Шуни айтиш жоизки, янги ўқув йилида маҳаллий ва халқроқ экспертлар иштирокида яратилган Миллий ўқув дастурини жорий қилиш ишлари давом эттирилади. Ушбу дастурни яратишда йигирмата зарур кўникма асос қилиб олинган. Дастур асосида 296 номдаги

янги авлод дарслиги, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари яратилди. Шу жумладан, 189 та дарслик, 50 та машқ дафтари, 57 та методик қўлланма ва дарсликнинг мобил иловалари яратилди. Шу билан бирга, Кембриж, Клетт ва Герцен университетларининг дарсликлари маҳаллийлаштирилиб, инглиз тили, рус тили, немис тили ва информатика фанларидан халқроқ тан олинган дарсликлар таълим жараёнига жорий қилиниши йўлга қўйлади.

Халқ таълими тизимидаги малакали педагог ходимларни қўшимча рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 августдаги қарори билан «Вазир жамғармаси» фаолияти йўлга қўйилди. Унга асосан, малакали педагог кадрларга меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 5,5 баравари миқдориди тўққиз ой давомиди ҳар ойлик устама тўланади.

Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган илғор ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 5,5 бараварига тенг бир марта-

лик пул мукофотлари берилади. Асосийси, янги йилидан бошлаб тизимдаги мактаб кутубхоналари ва «Болалар кутубхоналари» ходимларининг лавозим маоши миқдори 1,2 бараварга оширилади.

Булار ҳали ҳаммаси эмас. Янги йилида давлат хизматларини кўрсатиш қўламини ошириш ҳам мақсад қилинган. Хусусан, 1 июлдан аттестат дубликатини олиш учун бевосита онлайн мурожаат қилиш имконияти яратилди ва дубликат олиш муддати 7 кун деб белгиланди. Айни вақтгача янги тартиб бўйича 3 минг 131 нафар фуқаро ҳужжат дубликатини ортқича оворагарчиликсиз олишга эришди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар болаларини умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш учун аризаларни электрон дастур (my.maktab.uz) ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топширмоқда.

Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш (нострификация) бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг ҳам Давлат хизматлари маркази ёки «my.gov.uz» электрон портали орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Бунда 2 та ҳужжатни электрон шаклда топшириб, 4 кун ичида олиш мумкин бўлади.

Гульшана ХУДОЁРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҲУДУДНИНГ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИ ЯНАДА ОШАДИ

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида «Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Учқўприк, Данғара, Фарғона, Тошлоқ, Қўштепа туманлари, Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарлари ҳудуди чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги Қонунчилик палатасининг қарор лойиҳасини муҳокама қилдик.



Ушбу ҳужжатда Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманлари чегараларини мувофиқлаштириш мақсадида Қўқон шаҳри таркибига Данғара туманидан 814,9 гектар, Ўзбекистон туманидан 1 минг 456 гектар, Учқўприк туманидан 424,6 гектар ер майдони ўтказилиши белгиланмоқда.

Қўқон шаҳри таркибига қўшиб берилаётган Учқўприк туманидаги 3 та, Ўзбекистон туманидаги 8 та, Данғара туманидаги 5 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 59 минг 447 нафар аҳоли истиқомат қиладди. Ушбу туманлардан Қўқон шаҳрига қўшиб берилаётган ер майдонларида жойлашган маҳалла фуқаролари даволаниши учун бундан буён Қўқон шаҳридаги марказий шифохонага бориши мумкин бўлади.

Айни чоғда ушбу ер майдонларининг Қўқон шаҳрига қўшилиши шаҳарни 2021 — 2030 йилларда ривожлантириш, шу даврда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги тураржой даҳаларини барпо этиш орқали шаҳарларнинг ўсиб бораётган аҳолиси эҳтиёжларини қаноатлантириш имконини беради.

Қарор лойиҳасини билан Марғилон шаҳри таркибига Фарғона туманидан 951,5 гектар, Қўштепа туманидан 133,59 гектар, Тошлоқ туманидан 34,4 гектар ер майдонини ўтказилиши тақлиф этиляпти. Шаҳар таркибига ўтаётган ер майдонида 3 та кичик саноат зонаси, 40 — 45 минг аҳолига мўлжалланган 8,3 мингта хонадонга тўғри келадиган 108 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилади. Бу, ўз навбатида, кўплаб фуқароларнинг бандлиги таъминланади, қанчадан қанча ёш оилалар уйли бўлади, дегани.

Ҳужжатда Фарғона шаҳри таркибига Фарғона туманидан 811,66 гектар ер майдони ўтказилиши ҳам назарда тутилмоқда. Бу эса келгусида шаҳарни ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги тураржой даҳаларини барпо этиш орқали шаҳарларнинг ўсиб бораётган аҳолиси қаноатлантириш имконияти билан эътиборга молик.

Қисқаси, лойиҳанинг қабул қилиниши Фарғона вилоятда бошқарув самарадорлигини ошириш билан бирга, аҳолига замонавий ижтимоий ва инфратузилмавий хизматларини кўрсатиш имконини ҳам беради.

Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси.

БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТИ ЮКСАК ИНСОННИНГ ҚАДРИ ЯНАДА БАЛАНД БЎЛАДИ

Тобора мураккаблашиб бораётган дунёвий муносабатлар жараёнида тинчлигини, ҳурлигини асраётган, янги мақсадлар ва эртанги кунга катта ишонч билан интилиб яшаётган халқимиз меҳнат оғушида. Аждодларимиз бошидан ўтган қанчадан-қанча қирғинлар, қийноқлар бугун ҳар биримизнинг қон томиримизда яшаш ва яратишга иштиёқ, осуда ва хотиржам ҳаётга муҳаббат, яхшиликни илينيш, чиройли тилакларнинг дуосига айланган.



Нуктаи назар

Хозирги кунда Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик қутлуг байрамини кенг нишонлашга пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Президентимизнинг шу йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни юқори савидада ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатда энг улуг, энг азиз байрамимизни «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғоя асосида ўтказиш белгилангани бежиз эмас. Зеро, улкан ислохотлар мамлакатига айланган юртимизда барча ҳаракатлар инсон

қадрли-қимматини юксалтириш, унинг ҳаётда рози яшashi, фаровон ҳаёт кечирishiга йўналтирилган.

Жамиятнинг юксак тараққиёти асосини ташкил этувчи олий таълим тизимидаги яхшиликлар ҳам инсон капиталини ривожлантириш, ҳар биримизнинг фаровон ҳаёт кечирishiини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар кенг қўламли, теран мазмун билан одамларни билим олишга, маърифатга қорлапти, жамиятда таълимнинг нуфузи ортishiга хизмат қилимоқда.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг сони изчил ошиб бориши, хорижнинг етакчи ўқув даргоҳлари филиалларининг очилиши ёшларга катта имкониятлар яратаетир. Айниқса, республикамиздаги етакчи олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллигини берилиши тизимидаги туб бурилиш бўлди. 2022/2023 ўқув йилидан молиявий мустақил ОТМга академик ва ташкилий-бошқарув соҳалари бўйича ҳам мустақиллик тақдим этилади. Хусусан, ОТМ академик мустақиллик соҳаси бўйича ўқув режалари, дастурларини ва малака талабларини тасдиқлаш, ўқув тили ва шаклини, бакалаврият ва магис-

тришиш учун инсон капиталини ривожлантириш асосий ва муҳим ғоя сифатида белгиланган. Илм-фанни замонавий талаблар асосида ривожлантириб, соҳада ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган таркибий, ташкилий, молиявий, кадрлар ва инфратузилмага оид ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатнинг интеллектуал ва технология салоҳиятини юксалтиришга, илм-фан тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини белгилаб бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, саяй-ҳаракати билан қабул қилинаётган ҳужжатлар, амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-мақсади инсон қадрини юксалтириш, унинг фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлашга қаратилган. Шуни таъкидлашнинг истаридкики, фазилли, жаннатонанд она заминимиз, ҳар биримизни бағрида ардоқлаб, воғая етказган она Ватанимиз биз учун ҳамиша азиз ва муқаддасдир. Унинг равнақи йўлида доим камарбастамиз.

Алишер САМАДОВ, ТДТУ Олмалиқ филиали директори, техника фанлари доктори, профессор.

«Имом Бухорий» ордени таъсис этилиши барчамизга янгича рағбат беради

«Имом Бухорий» номидаги орденининг таъсис этилиши мамлакатимиз тарихидаги муҳим воқеалардан, десак, асло муболага эмас. Олий даражадаги «Имом Бухорий» ордени билан диний-ижтимоий соҳадаги раҳбар ва етуқ уламолар, олимлар, педагог ва илмий тадқиқотчилар, хорижий давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари, хорижий мамлакатлар парламентлари вакиллари, халқроқ ташкилотлар, дипломатик ваколатхона, консуллик муассасаси ва уларга тенглаштирилган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари, хорижий олимлар, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари мукофотланади.

«Имом Бухорий» орденининг таъсис этилиши барча юртдошларимизга фахрий-хотир бағишлашдан ташқари, шу соҳада меҳнат қилаётган фидойи олим ва тадқиқотчилар, раҳбарлар, парламентлар вакиллари, умуман, барча-барчамизга янгича рағбат бериши, шубҳасиз.

Абира ХУСЕЙНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА 257 ТА ЖАМОА БЕЛЛАШМОҚДА



Сирождидин ВОҲИДОВ олган суратлар.

Марказий ҳарбий округнинг «Фориш» тоғ полигониди «АрМИ — 2022» VIII халқроқ армия ўйинларининг Ўзбекистон мезбонлик қилаётган «Қуролсоз уста», «Хавфсиз муҳит» ва «Дала ошхонаси» мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Шу муносабат билан Халқроқ армия ўйинлари ҳақамлари иштирокида матбуот анжумани уюштирилиб, унда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга спикерлардан тўлиқ маълумот олди.

«АрМИ — 2022»

Шундан сўнг Мудофаа вазирлиги томонидан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари учун «Фориш» полигониди яратилган шароитлар билан таъинштириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди. ОАВ вакиллари «Дала ошхонаси» мусобақаси ўтказилмайдиган ҳудудда ҳам бўлиб, турли давлатлардан келган ҳарбий ошпазларнинг маҳоратларини кузатди.

Шу кунги полигон саф майдониди «АрМИ — 2022» халқроқ армия ўйинларида Ўзбекистон мезбонлик қилаётган

мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги ва иштирокчи давлатлар масъуллари, сенаторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, фахрийлар ва ёшлар, журналистлар, блогерлар иштирок этди.


Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестрининг кўргазмали дефилеси, танқили бадий жамоалар ва санъаткорлар ижросидаги катта концерт дастури ҳамда



турли халқлар маданиятини ифода этувчи бадий чиқишлар намойиш қилинди. Қурол-Кучлар Академияси курсантлари қурол билан кўргазмали чиқишларни ижро этди.

Таъкидлаш керакики, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоалари бу йил мазкур VIII халқроқ армия ўйинларининг 20 та йўналишида иштирок этипти. 34 та йўналишни қамраб олган мусобақаларда 37 та давлатдан 257 та жамоа узаро беллашмоқда.

«Халқ сўзи».



1 2 3 4 5 6